

**ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ**



**О‘ЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЙОТИ**

6 / 2016

Таянч сўз ва иборалар: мати компонентлари, мазмуний муносабатлар, бадий нутқ, микромагн.

Ключевые слова и выражения: компоненты текста, семантические отношения, художественная речь, микротекст.

Key words and word expressions: components of text, semantical relations, art speech, microtext.

Екатерина ШИРИНОВА

БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДАГИ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАР

Сўнги йилларда ўзбек тили тизимида, айниқса унинг энг фаол қисми – луғавий қатламда сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Лексемаларнинг бир луғавий қатламдан бошқасига кўчиши фаоллашган. Мазкур жараёнларнинг юқори даражадаги интенсивлик билан кечиши фаолиятнинг турли жабҳалари инсоният ҳаётига тобора яқинлашиб бораётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодийнинг маданий саводхонлик компонентларидан бирига айланиши – луғавий бирикларнинг кўчиши, яъни терминологик бирикларнинг умумистеъмом сўзлари доирасига ўтиши ва, аксинча, умумистеъмом сўзларининг терминологик тизим таркибига сингиб кетишининг муҳим омилидир. Умумистеъмом сўзлари ва терминлар орасидаги алоқадорликни аниқлаб олиш учун таҳлилга тортилган луғавий қатламнинг чегарасини белгилаб олиш муҳим.

Луғавий бириклар қатор белгиларга кўра бир-бирига қарама-қарши қўйилади: келиб чиқиши, экспрессив-стилистик хусусиятлари, фаол ёки пасив лугатга мансублиги, қўлланилиш соҳаси. Охирги белги асосида чегаралаш энг самарали усуллардан биридир¹. Биринчилари барчага тушунарли бўлса, иккинчилари у ёки бу жамоа доирасидагина ишлатилади. Шу тариқа тилнинг луғавий қатлами икки йирик гуруҳга ажралиб қолади: умумистеъмом сўзлари ва терминлар (қўлланилиши чегараланган лексика). Қўлланилиши чегараланган лексика деганда касбий-терминологик бириклар, фан соҳаларига оид терминлар назарда тутиломоқда. Терминологик бирикларни таҳлил қилиш жараёнида мазкур қатламлар орасида доимий равишда элементлар алмашинуви содир бўлишини инобатга олиш зарур.

Адабий тил чегараларининг шаффофлиги қатламлараро муносабатларни таҳлил қилишни бироз мураккаблаштиради. Шу боис, энг аввало, умумистеъмомдаги луғавий бирикларнинг амал қилиш чегарасини белгилаб олиш ўринли.

Маълумки, ўзбек тили икки йирик қатлам: ўзбек адабий тили ва шевалардан иборат бўлиб, функционаллашув жиҳатидан адабий, китобий, бадий, публицистик, сўзлашув, илмий каби услубларда реаллашади.

Тилнинг фатик, эмотив, аккумулятив... каби функциялари билан бир қаторда унинг махсус мақсадларни ифодалаш учун дефинитив (махсус тушунчаларни ифодалаш), специфик, яъни эвристик (янги билимларни очиш) ва компенсацияланганлик (махсус билимни концентрациялаш) функциялари мавжудлигини қайд қилиб ўтиш жоиз. Касбий мулоқот

¹ А к и н и н Ю.В. Детерминологизация английской экономической терминологии лингвокультурный и функциональный аспект). КД. Самара, 2010.

тилининг эса қайд қилинганлардан ташқари касбий доирадаги мулоқот таъминловчи ахборотни узатиш ва қабул қилиш вазифаси ҳам мавжуд. Мазкур вазифа қўлланиши чегараланган махсус лексика, яъни терминлар адабий тил бирликларидан фарқли ўлароқ кўпроқ аниқлик ва юқори ахборотлиликни талаб этади. Шу жиҳатдан у асосан илмий услубга яраша туради. Ушбу талабларни бошқа услублар, масалан, сўзлашув ёки бадмаъни услубларга татбиқ этиб бўлмайди. Мазкур талабга риоя қилмайдиган бошқа услубларни умумистеъмом лексика қатламига киритиш мумкин.

Ҳар бир услуб ўзининг махсус қўлланиш чегарасига эга бўлиш билан бир қаторда уларнинг ҳеч бири алоҳида тараққий этмайди ва маълум даражада бир-бири билан ўзаро таъсирга киришиб, умумий кесишув ҳудудига эриша бўлади. Бу жараён иккитомонлама характерга эга бўлиб, бир томондан мавжуд умумистеъмом сўзларининг терминлашиши ва, иккинчи томондан терминларнинг турмушнинг турли жабҳаларига интенсив тарзда киришиб боришини, детерминлашиш жараёнини кузатиш мумкин.

Ч.Абдуллаеванинг “Ҳозирги иқтисодий терминологияда русча-ўзбекча параллеллар” номли номзодлик диссертациясида терминлар ҳосил бўлишининг терминлашиш, битерминлашиш, ретерминлашиш каби усуллари ҳақида фикр юритилади². Ғ.Исмоилов “Ўзбек тилининг терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясида Н.А.Константинова ва А.В.Суперанскаялар томонидан эътироф этилган транстерминлашув усули хусусида кент ва атроф муҳит тўхталиб, унинг ўзбек тили терминологик системаларидаги фаолият масалаларини ёритиб беради³. Н.В.Моряхина ўзининг тадқиқоти натижасида бутунги кунда лексик қатламни интернационаллаштириш ҳисобига тилнинг универсаллаштириш тенденцияси тараққий этаётгани ва терминларнинг структур жиҳатдан шаклланишига, хусусан сўзларни (ёки уларнинг асосларини) қўшиш, қисқартириш ва аббревиация усуллари ёрдамида ҳосил бўлишига қизиқиш тобора кучайиб бораётганлигини таъкидлайди⁴.

Барча қайд этилган ҳолатларда бевосита умумистеъмом сўзларнинг иштирокида янги терминологик бирликлар ҳосил бўлади. Бироқ, қайси қилганимиздек, умумистеъмом сўзлари ва терминлар орасидаги ўзаро таъсир бирликлар алмашинув жараёни асосан терминлашиш ва детерминлашув усулларида яққол намойён бўлади.

Терминлашиш илмий ва соҳавий тушунчани ифодалаш учун тилдаги умумистеъмом сўзларнинг ишлатилишидир. Умумистеъмом сўзи терминга айланишидан олдин у махсус контекстда қўлланилиши натижасида семантик ихтисослашишга дучор бўлади⁵. Терминлашиш жараёни жамият ҳаётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор кўринишларни ифодаланади. Банк-молия терминологик тизимида ҳам терминлашув жараёнини бошдан кечирган ҳолда тизим таркибидан мустаҳкам ўрнатилган

² Қаранг: Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии. ҚД. Ташкент, 2000.

³ Қаранг: Исмоилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усуллар термин ҳосил бўлиши. НД. Тошкент, 2011.

⁴ Моряхина Н.В. Формирование и функционирование терминологии менеджмента в русском языке. ҚД. Казань, 2008. С. 25–26.

⁵ Кайтук ова Е.Г. Способы образования и пути развития турецкой экономической терминологии: 60–90 гг. XX в. ҚД. М., 2007. С. 95.

эгаллаган терминлар талайгина. Куйида муомала терминининг ўзбек тилининг 5 жилдди изоҳди лугатидаги маъноларини келтириб ўтамиз:

МУОМАЛА [арабча – ўзаро муносабат, алоқа]

1 Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шундай муносабат йўсини. Яхши муомала. Дагал муомала. Муомаласи ёмон одам. Домла машгулот вақтларида бировларга кўпроқ диққат бериб, бировларнинг кўнглини унча-мунча ўкситса ҳам, муомалада дагал эмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи...

2 Иш, хизмат билан боғлиқ бўлган алоқа. У билан тўғридан-тўғри муомалада бўлмайдиганлар уни "райком", "райком Мавлонов" деб атасалар, кўпроқ ва кўпроқ муомалада бўладиганлар "ўртоқ Мавлонов" деб атар эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 иқт. Меҳнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида айирбошлаш (товар хўжалиги учун хос).

4 Муомалага келмоқ (ёки юрмоқ) Гапга кўнмоқ, бирор таклифга рози бўлиб келишмоқ. [Олахўжа:] Сиз ҳам энди оёгингизни тираб туриб олманг, бирон муомалага келинг. П. Турсун, Ўқитувчи. Муомаладаги пул Айни пайтда юриб, ишлатилиб, айланиб турган пул⁶.

Асли умумистеъмол сўзи бўла туриб, айни вақтда денежное обращение терминини калька усули билан ўзлаштириш жараёнида пул муомаласи тарзида банк-молия терминлари қаторидан ўрин эгаллаган. Бугунги кунда мазкур терминнинг умумистеъмол функцияси ҳам сақланган ҳолда иқтисод, молия соҳасида ушбу компонент иштирокида ҳосил қилинган бир қатор терминларни учратиш мумкин.

МУОМАЛА (иқтисодиётда) – меҳнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида айирбошлаш⁷.

МУОМАЛА ВАҚТИ – капиталнинг муомала доирасида бўлиш вақти. Муомала вақтига тайёр маҳсулот оморга келиб тушгандан бошлаб у сотилгунча кетган вақт (бу вақт ўз ичига тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва унинг савдо (улгуржи ва чакана) корхоналари оморхоналарида турган вақтини, уларни ташишга, сотишга кетган вақтни ҳам ўз ичига олади) ва тайёр маҳсулотларни сотишдан келган тушумга ишлаб чиқаришнинг янги цикли учун зарур бўлган янги ишлаб чиқариш воситалари сотиб олишга кетган вақт киради⁸.

МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ – товар муомаласи жараёни билан боғлиқ бўлган жами сарфлар. Муомала харажатлари моҳиятига кўра соф ва кўшимча харажатларга бўлинади⁹.

Айланма сўзининг изоҳини таҳлил қилиб кўрамиз. Ўзбек тилининг 5 жилдди изоҳди лугатида мазкур тушунчанинг 5 та талқини берилган бўлиб, мазкур сўзнинг семантик таркибида муомаладаги маблағ маъносини берадиган талқини ҳам мавжуд:

АЙЛАНМА 1 сфт. Айлана шаклида бўлган, доира шаклидаги, доиравий, талқасимон. Айланма темир йўл.

Айланма ҳаракат физ. Доиравий ҳаракат, айлана бўйлаб йўналган ҳаракат.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳди лугати. Беш жилдди. 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 643-бет

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М ҳарфи. 822-бет. www.ziyouz.com кутубхонаси.

⁸ Ўша ерда.

⁹ Ўша ерда. 823-бет.

2 сфт. Тўғри йўлга нисбатан узоқроқ ва чалкаш, айланиш.

Айланма йўл 1) тўғри йўлдан узоқроқ, чалкаш йўл. *Эҳтиёт юзасидан тўғри йўлни қўйиб, айланма йўллар билан намозгар вақтида Шоқосимникига бошлаб келди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) доиравий, ҳалқа шаклидаги йўл.

3 *от* Трамвай ва ш.к.нинг айланиб, орқага қайтадиган жойи. *Трамвай айланмаси. Троллейбус айланмаси.*

4 *от* Дарё, денгиз ва ш.к. нинг кўпинча қарама-қарши оқимлар тўқнашадиган жойларида сувнинг уст қисмида содир бўладиган ујорма ҳаракат, шундай ҳаракат жой.

5 Муомалада юрадиган (пул, маблағ ва ш.к. ҳақида). *Корхоналар қачонгача касодга учраган молларини қалайтириб ташлаб, яна айланма маблағлар беришга сўраб, ялиниб юрадилар.* Газетадан¹⁰.

Бунга ўхшаш мисолларни жуда кўп келтириш мумкин, чунонча *актив, эҳтиёж, трансферт, даромад, депрессия, ҳисоб, капитал* сингари умумистеъмол сўзларининг банк-молия терминологиясига якка ҳолатда ёки бирикма компоненти сифатида терминлашиш жараёнига учраганини кўриш мумкин.

АКТИВ 1 [лат. *activus* — фаол, ҳаракатчан] 1. Корхона ёки ташкилотнинг мулки ва ресурслари (бино, машина, қимматбаҳо қоғозлар ва б.)...*бир қанча савдо-сотиқ майдончалари мавжуд: давлат активлари ва сотиш майдончаси, рақобатли-устувор савдолар майдончаси.* Газетадан. Пулга тез айланиши (сотилиши) мумкин бўлган активлар (векселлар, олтун, нақд пул ва б.) ликвид активлар дейилади. “ЎЗМЭ”. 2 бух. Балансининг кирим-даромад қисми; бухгалтерия балансининг бир қисми; *зид. пассив.* Молия менежменти, активлар ва пассивларни бошқариш. Газетадан.

АКТИВ 2 қ. фаол¹¹.

Ушбу термин ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғатида омоним сўз сифатида қуйидагича изоҳланади:

Актив (лотин тилидаги сўздан олинган; инг. *asset, assets*; фр. *actif*; рус. *актив* (действительный)¹²; ўзб. **Актив** (ҳаракатчан, фаол): актив¹ – (от, нарса буюм оти) ҳисобиёт (бухгалтерия) балансининг бир қисми бўлиб, мазкур корхона ёки муассасага қарашли моддий бойликларни уларнинг таркиби ва жойлашуви нуқтаи назаридан пул (пул маблағлари, бошқа ташкилотларга қарз талабномалари ва ҳ.к.) кўринишида ифодалайди. Терси: *пассив*.¹³ М. Банк *активларининг қиймати* ва улардан олинадиган фойда ўзгариб туриши мумкин¹⁴ (*банк-молия термини*); актив² – (от, киши (шахс) оти) бирор коллективнинг илғор, етакчи, фаол қисми. М: *Маҳалла активлари*; актив³ – (сифат) серҳаракат, серғайрат, фаол. М: *Музокарада фаол иштирок этмоқ*.

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 55–56-бетлар

¹¹ Ўша луғат. 64-бет.

¹² Финансовый словарь. А. Благодаткин, А. Лозовский, Б. Райзберг. М.: ИНФРА-М, 2006. С. 10.

¹³ Иқтисод-банк изоҳли луғати. Тошкент: Минҳож, 1996. 4-бет.

¹⁴ Ж у м а н и я з о в М. Молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш йўллари “Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: Молия, 2005. 436-бет.

¹⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 18-бет.

Демак, терминлашиш жараёни натижасида терминологик бирликлар ва умумистеъмом сўзлари орасида омонимия, полисемия сингари парадигматик муносабатлар юзага келиши мумкин.

Адабий тил бирлиги терминга айлана олгани каби бошқа соҳа терминлари ҳам бошқа бир соҳа терминологик системаси бирлигига айлана олади. Бундай жараён *транстерминлашиш* деб номланади¹⁶. Бунга мисол қилиб амортизация (физик термин), фоиз (математик термин) каби бошқа соҳа терминларининг транстерминлашиш натижасида банк-молия терминлари орасидан ўрин эгаллашини қайд қилиш мумкин.

АМОТИЗАЦИЯ [лот. *amortisatio* – қоплаш] 1 *икт.* Меҳнат воситаларининг (машина, жиҳоз, бино ва ш.к.) эскиришига қараб, улар қийматини муайян давр мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот устига қўя бориш, шу йўл билан эскирган воситалар баҳосини қоплаш.

2 *мл.* Алоҳида шахс ёки ташкилотнинг узоқ муддатли қарзни аста-секин (ҳиссаларга бўлиб тўлаб) ёки қарзни сотиб олиб узиши.

3 Ўўқотиш, ўғирлатиш ва ҳ.к. оқибатида қарз мажбуриятини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш.

4 Автомашина, самолёт, иншоот ва ш.к. нинг урилиш зарбини, силкинишни камайтириш¹⁷.

Жонли тилда терминлашиш жараёнига қарама-қарши бўлган *детерминлашиш* жараёни ҳам кузатилиши мумкин. Мазкур жараён дусусида Ю.В.Акинининг илмий ишида маълумот берилади¹⁸. Бу ҳолат асосан терминологик бирликларнинг кундалик мулоқотда жуда кўп ишлатилиши натижасида содир бўлади. Вақт ўтиши билан улар умумистеъмом сўзлари қатлаמידан шу қадар муқим ўрнашиб оладик, уларнинг туб яддизи терминологик бирлик эканлигини махсус этимологик кузатувлар натижасидагина аниқлаш мумкин. Қайд этиш лозимки, банк-молия терминологик тизимида ҳам мазкур жараён маълум даражада кечмоқда, бироқ соҳа терминлари ҳали ўзининг қўлланишида чегараланганлик тарактеридан узоқлашганича йўқ, чунончи уларнинг ифода ва мазмун янанида банк-молия терминларига хос жиҳатлар яққол ифодаланган.

Хулоса қилиб айтганда, қўлланилиши чегараланган лексик бирликлар, жумладан терминлар ва умумистеъмом сўзлари миллий тилнинг луғавий бирликлари сифатида бир-бири билан узвий алоқадорликда тараққий этади, ўзбек тилининг ички имкониятлар асосида ривожланишига замин яратади. Улар орасида қўлланилиш жиҳатидан муайян тафовутлар мавжудлигига қарамасдан, барча луғавий бирликлар умумтил қонуниятларига бирдек бўйсунди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек тили банк-молия терминологияси ва умумистеъмом сўзлари ўртасидаги алоқадорлик, банк-молия терминларининг тараққиётида терминлашиш, детерминлашиш ва транстерминлашиш жараёларининг амал қилиши ва аҳамияти ўғирисида маълумот берилади.

¹⁶ Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология: вопросы теории. М.: Наука, 1989. С. 203.

¹⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. 80-бет.

¹⁸ Қаранг: А к и н и н Ю.В. Детерминологизация английской экономической терминологии.

РЕЗЮМЕ. В статье даются сведения о связи банковско-финансовой терминологии с общеупотребительной лексикой, функционировании процессов терминологизации, детерминологизация, транстерминологизация и значимость данных процессов в развитии банковско-финансовых терминов узбекского языка.

RESUME. In given clause the items of information on communication (connection) of a bank-finance terminology with common lexicon, functioning of processes terminologization, determinologization, transterminologization, and importance of the given processes in development of the banking-financial terms of the Uzbek language are given.

Таянч сўз ва иборалар: банк-молия терминологияси, термин, умумистеъмом сўзлар, терминлашиш, детерминлашиш, транстерминлашиш.

Ключевые слова и выражения: банковско-финансовая терминология, термин, общеупотребительная лексика, терминологизация, детерминологизация, транстерминологизация.

Key words and word expressions: a bank-finance terminology, term, common lexicon, terminologization, determinologization, transterminologization.

Умиджон ҚЎЗИЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИДА АЙРИМ АРАБЧА ВА ФОРСЧА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида лингвокультурология соҳасидаги тадқиқотлар ҳам кўпая бошлади. Тил ва маданият тушунчалари доимо ёнма-ён ўрганиб келинган, уларнинг ўзаро муносабатлари рад этилмаган бўлса-да, лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатидаги ўрни XX асрнинг сўнгги чорагида рус тилшунослигида белгилаб берилганлиги таъкидланади¹. Фан Америка тилшунослигида культур антропология, немис тилшунослигида герменевтика, француз тилшунослигида эпистомология номи билан мавжуд². Ўзбек тилшунослигида лингвокультурология Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, З.Салиева, Р.Ибрагимова, Д.Худойберганова каби етакчи олимлар изланишлари негизида аста-секин қад тиклаб бормоқда.

Маълумки, тил маданиятнинг бир қисми сифатида жамият қонунлари билан бўйсуниб яшайди. Тилда ҳар бир миллат, жамиятнинг руҳий, ахлоқий, маданий белгилари акс этади. Сўз ўзлашиши жараёни икки халқ – миллатнинг ўзаро алоқалари, ўхшаш жиҳатлари ва фарқларини кўрсатиб берувчи кўзгу кабидир. Чет тилидан сўз ўзлаштириш барча ижтимоий ва тарихий омиллар – ўзлаштириш вақти ва шарт-шароити, миллатларнинг дунёқараши, ўзлашган сўзларнинг семантик хусусиятлари ва вазифалари таъсирини амалга ошади. Ўзлашма сўзлар муайян лексикани социолингвистик тизим сифатида шакллантиришда беминнат материал вазифасини бажаради. Ўзлашма сўзларни семантик таҳлил қилишда лингвокультурология соҳасидаги тадқиқ доирасига кириб борилади.

Муайян фактни яқка ўрганишдан кўра, бирор тўплам ичида ўрганиш осонроқ. Миллат маданияти ва дунёқараши тилда, унинг бирликларида акс этар экан, лексик маънога эга энг кичик бирлик – сўзлардаги маданий белгилар унинг семантикасида ҳам акс этади. Бироқ лингвокультурологиянинг мақсади

¹ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Тошкент: Фан, 2013. 32-бет.

² <http://www.Gramota.ru/book/ritorika>

МУНДАРИЖА

Адабиётшунослик

И.Ҳаққул. Матн мазмундорлиги ва талқин масъулияти	3
М.Холбеков. Структур адабиётшунослик назариясига доир	8
Ш.Аҳмедова. Бахтиёр Назаров – ойбекшунос	17
С.Мели. “Муножот” поэтикасида қиёс	21

Тилшунослик

Ф.Ибрагимова. Синтактик ортиқчалик ва унинг кўринишлари	32
О.Юсупова. Лингвопоэтиканинг таҳлил методлари ҳақида	35
Ш.Исқандарова, Г.Жўрабоева. Фарғона вилояти гидротопонимларининг лингвистик хусусиятлари	39
Г.Жуманазарова. Ўзбек тилшунослигидаги лингвостатистик тадқиқотлар хусусида	44

Илмий ахборот

Б.Мақсудов. “Наводир ун-ниҳоя” нинг янги топилган қўлёзма нусхаси	49
М.Асадов. Соқийнома тарихи ва поэтикасига доир	53
Т.Кўчқоров. Палеофольклор ва унинг ўзига хос хусусиятлари	59
Ф.Жабборов. Эпос сюжетига хос муҳим мотив	64
Ҳ.Ғаипова. Атойи газалига ёзилган бир татаббу ҳақида	68
З.Суванов. Деҳқонқул образининг янгича талқини	72
М.Жабборова. “Қиссаи Жамшид” нинг тил хусусиятлари	78
А.Аллабердиев. Шева лексикасини мавзуй гуруҳлар асосида ўрганиш	82
М.Ҳалилова. Микроматн узвлари орасидаги мазмуний муносабат турлари	87
Е.Ширинова. Банк-молия терминологиясидаги айрим хусусиятлар	91
У.Қўзиев. Ўзбек тилида айрим арабча ва форсча ўзлашмаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	96
Ф.Каримова. Сўз ва унинг маъно таркиби	99
Г.Қарлибоева. Ажиниёз асарларида антонимлар	104
Г.Исакова. “Қанотли сўзлар” нинг ўзига хос хусусиятлари	108
Д.Ҳакимов. Ўткир маъносини ифодалайдиган лисоний-нутқий бирликлар ...	111
А.Тошпўлатов. Ёшлар нутқида айрим сўзларнинг прагматик тараққиёти	114

Фанимиз заҳматкашлари

Ҳ.Ҳомидий. Ҳакимжон Ҳомидий	119
И.Ҳаққул, Э.Очилов. Ҳожимурод Тожибоев	122

Танқид. Тақриз. Библиография

А.Мадвалиев, А.Собиров, Э.Жабборов. Деҳқончилик сўзлари луғати	124
М.Кўчқорова. Эркин Аъзам публицистикаси	127

Илмий ҳаёт

Абдулла Орипов	132
----------------------	-----